



КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

PhD, доц. **Фозилжонов Иброҳимжон**
Тошкент халқаро университети
ORCID: 0000-0002-3036-3828
ifoziljonov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий барқарорликнинг назарий асосларини чуқур ўрганиш, унинг турларини ажратиш ва баҳолаш мезонларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш амалиётда тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилиш, хусусан хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали бошқарувини таъминлаш учун муҳим эканлиги хусусида сўз борган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, иқтисодий модел, хавф-хатар, комплекс, интеграл ва динамик ёндашув, рентабеллик, капитал.

ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

PhD, доц. **Фозилжонов Иброҳимжон**
Ташкентский международный университет

Аннотация. В данной статье рассматривается важность глубокого изучения теоретических основ финансовой устойчивости, научного анализа её видов и критериев оценки для принятия обоснованных экономических решений на практике, в частности, для обеспечения эффективного управления хозяйствующими субъектами.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, экономическая модель, риски, комплексный, интегральный и динамический подход, рентабельность, капитал.

SPECIFIC ASPECTS OF ENSURING FINANCIAL STABILITY OF ENTERPRISES

PhD, assoc. prof. **Foziljonov Ibrohimjon**
Tashkent International University

Abstract. This article emphasizes the importance of thoroughly studying the theoretical foundations of financial stability, identifying its types, and scientifically analyzing the criteria for its assessment, as these are essential for making sound economic decisions in practice, particularly in ensuring the effective management of business entities.

Keywords: financial stability, economic model, risk, comprehensive, integral and dynamic approach, profitability, capital.

Кириш.

Бугунги кунда жаҳон молия тизимида юзага келаётган турли молиявий инқирозлар, геосиёсий ўзгаришлар ва макроиқтисодий беқарорлик ҳолатлари молиявий барқарорлик масаласини ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун долзарб муаммога айлантирмоқда. Молиявий барқарорлик нафақат банк тизими ёки молия институтларининг барқарор фаолияти билан, балки мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги, инвестиция муҳити ва умумий ижтимоий тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатда молиявий барқарорликнинг таъминланиши банк ва молия институтларининг кредит сиёсати, ликвидликни бошқариш, капитал етарлилиги ҳамда макроиқтисодий сиёсатнинг самарали юритилишига боғлиқ. Шу билан бирга, молиявий барқарорликни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун аниқ мезон ва кўрсаткичларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий барқарорлик – бу иқтисодиётнинг турли шокларга қарши чидамлилигини таъминлайдиган ҳолат бўлиб, молия сектори, хусусан, банк тизими ўз фаолиятини самарали, узлуксиз ва ишончли амалга ошириш қобилиятини англатади. Бу тушунча макроиқтисодий барқарорлик, молиявий институтлар фаолияти ва молия бозорлари самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Мазкур кўрсаткичлар орқали молия секторидаги ҳолатни баҳолаш, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларга қарши тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкони яратилади. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Базель қўмитаси каби халқаро институтлар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар ва индикаторлар бу борада асосий методологик манба ҳисобланади. Айниқса, Базель меъёрлари доирасида капитал етарлилиги, ликвидлик даражаси, кредит хавфларини бошқариш, стресс-тестлар ва макропруденциал назорат каби мезонлар молиявий барқарорликни баҳолашда муҳим ўрин тутаяди. Ушбу халқаро ёндашувлар орқали банк тизимида хавфларни эрта аниқлаш, тизимли муаммоларнинг олдини олиш ва молия бозорларида барқарорликни сақлаб қолиш имкони туғилади.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда “молиявий барқарорлик” тушунчасига бўлган ёндашувлар турли олимлар, халқаро ташкилотлар ва миллий институтлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг хилма-хиллиги бу тушунчанинг кўп қиррали ва комплекс хусусияти билан изоҳланади. Бу хилма-хиллик, аввало, молиявий барқарорликка макроиқтисодий, микродаражадаги ва институционал нуқтаи назардан ёндашиш билан боғлиқ. Айрим олимлар молиявий барқарорликни шокларга чидамлилик нуқтаи назаридан таърифласа (масалан, Л.В. Красавина, Р.Ҳ. Бозоров), баъзилари молиявий тизимда узлуксиз фаолият юритиш, ликвидлик ва тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, молиявий хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг таъсирини юмшатиш бўйича чораларни ўз ичига олган ҳолат сифатида қарайди (И.Балабанов), бошқалар уни ликвидлик ва тўлов қобилиятини таъминлаш, молия институтлари ўртасидаги барқарор алоқалар, инвесторлар ишончи ёки молиявий ресурсларни самарали бошқариш билан боғлайди (Е.Жуков, Р.Карлибаева, С.Алиева ва бошқалар). Ўзбекистонлик олимлар эса молиявий барқарорликни миллий иқтисодиётнинг институционал ва макроиқтисодий ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, банклар ва молия институтлари фаолияти, молиявий ресурслар тақсимооти ва иқтисодий субъектлар ўртасидаги ишонч даражаси билан боғлайдилар. Шу боис, молиявий барқарорликка оид ёндашувлар хилма-хиллиги унинг ягона универсал таърифи йўқлигини, балки ҳар бир мамлакат, сектор ва мутахассиснинг мақсадидан келиб чиқиб турлича изоҳланишини англатади. Бу эса, ўз навбатида, молиявий барқарорликни таҳлил қилишда комплекс, интеграл ва динамик ёндашув талаб қилинишини кўрсатади.

Шуни айтиш жоизки, молиявий барқарорликнинг таъминланиши фақат молиявий институтлар фаолияти билан чекланмайди, балки давлатнинг молиявий сиёсати, молия бозорларининг ривожланганлик даражаси, институционал муҳит ва иқтисодий субъектларнинг молиявий саводхонлигига ҳам боғлиқдир. Барқарор молиявий муҳит – бу ишончли молия сектори, самарали назорат ва мониторинг механизмлари, шаффоф ва рақобатбардош бозор инфратузилмасини назарда тутди.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг корхона пул оқимларини бошқариш билан боғлиқ фаолиятидаги иқтисодий қарашлари, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича изланишлари ҳамда соҳага доир қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий модели, молиявий бозорлар ривожланиш даражаси ва ҳуқуқий муҳитига мос равишда миллий индикаторлар ҳам ишлаб чиқилиши ва мунтазам равишда янгилашиб борилиши зарур. Бу эса молиявий барқарорликнинг реал ҳолатини тўғри баҳолаш ҳамда самарали иқтисодий сиёсат юритишда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, молиявий барқарорликнинг назарий асосларини чуқур ўрганиш, унинг турларини ажратиш ва баҳолаш мезонларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш амалиётда тўғри иқтисодий қарорлар қабул қилиш, хусусан банк секторида самарали бошқарувни таъминлаш учун зарурий шарт саналади.

Молиявий барқарорликнинг асосий мақсади – иқтисодиётда ресурслар тақсимотини оптимал таъминлаш, инфляция даражасини назорат остида ушлаш, молия секторидаги хавф-хатарларни камайтириш ва кенг жамоатчилик ишончини сақлаб қолишдир. Ушбу барқарорликка эришиш орқали иқтисодий ўсишга рағбат яратилади, инвестиция муҳити яхшиланади ва молиявий инқирозларнинг олди олинади.

Молиявий барқарорликнинг узлуксиз таъминланиши банк тизими орқали кредит ресурсларининг иқтисодиётнинг реал секторларига оқилona йўналтирилишига, хусусий капиталнинг жалб этилишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, молиявий барқарорлик нафақат иқтисодий ўсиш, балки ижтимоий фаровонликнинг ҳам муҳим кафолатидир.

Молиявий барқарорликнинг турлари:

- банк сектори барқарорлиги – банклар ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажариши, ликвидликни сақлаши ва кредит хавфларини самарали бошқариши билан боғлиқ ҳолат.
- бозорлар барқарорлиги – фонд, валюта ва молия бозорларида нархларнинг кескин ўзгариши, спекулятив ҳаракатлар ва нотинчликларнинг мавжуд эмаслиги.
- молиявий институтлар барқарорлиги – банк ва нобанк молия ташкилотлари фаолиятининг барқарор, шаффоф ва назорат қилинадиган бўлиши.
- фискал барқарорлик – давлат бюджети мувозанатли бўлиши ва қарз юкининг таҳликали даражада бўлмаслиги.
- халқаро молиявий барқарорлик – мамлакатнинг ташқи молиявий мажбуриятларини вақтида бажариши ва халқаро инвестиция муҳитида ўз ўрнини сақлаб қолиши.

Ушбу барқарорлик турларининг ҳар бири мустақил эмас, балки бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг барқарорлиги умумий молиявий мувозанатни таъминлаб, иқтисодий хавф-хатарларга қарши тизимли иммунитет яратади. Агар корхонада молиявий мустақиллик пасайса, у ҳолда ташқи манбаларга (қарзларга) боғлиқлик ортади ва тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, ликвидликнинг етарли эмаслиги капитал айланивчанлиги ва фойдадорлик даражасини

тушириши мумкин. Бу эса ўз навбатида рентабеллик кўрсаткичлари ва инвестицион жозибadorликни пасайтиради. Қўйидаги жадвалда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва таҳлил этишда қўлланиладиган асосий кўрсаткич ва коэффициентларни кўриб ўтамиз.

1-жадвал

Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мезонлари

№	Мезонлар номи	Тавсифи
1	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Умумий активларда ўз маблағларининг улушини кўрсатади
2	Тўлов қобилияти коэффициенти	Корхонанинг қарз мабуриятларини ўз вақтида қайтаришни кўрсатади
3	Қисқа муддатли қарзларни қайтариш коэффициенти	Молия йилидаги қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун активларнинг етарлилиги даражасини кўрсатади
4	Фаолияти рентабеллиги	Соф фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбат
5	Активлар рентабеллиги	Соф фойданинг активлар суммасига нисбати орқали самарадорликни баҳолаш
6	Молиявий барқарорлик коэффициенти	Ўз маблағлар ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги мувозанат ҳолати
7	Капиталлар айланивчанлиги	Мавжуд капиталнинг қанчалик самарали ишлаётганини кўрсатади

Манба: муаллиф ишланмаси.

1-жадвалда келтирилган мезонлар корхонанинг тўлов қобилияти, молиявий мустақиллиги, фойдадорлик даражаси ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Ушбу мезонлар корхона молиявий жиҳатдан қай даражада барқарор эканлигини баҳолашда, солиштира таҳлиллар ўтказишда ва келгуси инвестицион қарорлар қабул қилишда муҳим ҳисобланади. Зеро, ҳар бир мезон корхонанинг муайян молиявий ҳолатини аниқлашга хизмат қилиб, ички ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, ташқи қарзларга боғлиқлик даражаси, тўлов қобилияти ва фойда олиш имкониятларини очиқлаш имконини беради.

Корхонадаги ҳар бир молиявий мезон — мустақил кўрсаткич сифатида аҳамиятга эга бўлса-да, улар ўзаро мувозанатда бўлган тақдирдагина корхонанинг молиявий барқарорлиги тўлиқ таъминланади. Масалан, юқори фойда олувчи корхонада ликвидлик паст бўлса, у ташқи мажбуриятларни ўз вақтида бажара олмаслиги мумкин. Ёки молиявий барқарорлик коэффициенти яхши бўлса-да, рентабеллик паст бўлса, капитал самарали ишлатилмаётгани англашилади. Шу сабабли, корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мезонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур таҳлил қилиш, комплекс ёндашув орқали таҳлил олиб бориш зарур. Бу эса нафақат мавжуд хатарларни камайтириш, балки узоқ муддатли молиявий барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, ушбу кўрсаткичлар асосида корхоналар ўртасида солиштира таҳлиллар олиб бориш, муаммоли соҳаларни аниқлаш ва молиявий стратегик қарорларни қабул қилиш осонлашади. Шунингдек, ушбу мезонлар асосида корхонанинг инвестицион жозибadorлиги, кредит рейтингини баҳолаш ва истиқболли ривожланиш салоҳиятини баҳолаш мумкин. Молиявий барқарорликни баҳоловчи мезонлар нафақат ички таҳлилда, балки ташқи аудит, банк назорати ва

инвестицион баҳолаш жараёнларида ҳам кенг қўлланиладиган муҳим иқтисодий инструмент ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Агаева, Л. К. Проблемы и факторы формирования финансовой устойчивости предприятия // Наука среди нас. 2017. № 2. [С. 136–142].

Ковалева К. С. Финансовая устойчивость предприятия, проблемы ее оценки и применения показателей // Экономика России в XXI веке: сборник научных трудов XII Международной научно-практической конференции «Экономические науки и прикладные исследования» 2015. [С. 74–81].

Пилипенко К.А., Куманеева М.К. Проблемы финансовой устойчивости кредитных организаций // Universum: экономика и юриспруденция: электрон. научн. журн. 2021. 11(86).

Тюленева, Т. А. Проблемы развития исламского банкинга в России / Т. А. Тюленева, Р. Ш. Тахтаева, М. Б. Молдажанов // Вестник НГУЭУ. – 2019. – № 3. – С. 175-185. – DOI 10.34020/2073-6495-2019-3-175-185.

Цицеров, В. Д. Анализ финансовой устойчивости предприятия / В. Д. Цицеров. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2022. — № 20 (415). — С. 527-528. — URL: <https://moluch.ru/archive/415/91700/>.